



Номи хам, иши хам бутун дунёга машхур буюк кишилар бўлади. Улуг ватандошимиз Абу Али ибн Сино ана шундай машхур алломалардан хисобланади. Унинг гўлиқ исми — Абу Али Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн Ҳасан нбн Али. Отаси Абдуллоҳ асли балхлик бўлиб, сомоийларнинг давлат хизматчилиаридан эди. У Нух ибн Мансур Сомоний (976 — 997) хукмронлиги даврида хизмат такозосига кўра Бухоронинг Ҳармайсан (хозирги Ромиган) туманидаги Афшона кишлогига келиб, маъмурий ишларга бошчилик килади. Шу ерлик Ситорабону деган кизга уйланади. Хусайн 980 йили Афшонада тугилади.

985 йили Хусайнлар оиласи Бухорога кўчади. Шахарда у илм тахсили билан машгул бўлади. Ўз даврининг етук олимларидан бўлган Абу Абдулоҳ Нотилий ва Ислом Зоҳид кўлида мантиқ, фалсафа, фикх ва риёзиёт асосларини ўрганади. У 10 ёшидаёк Куръони каримни ёд билар, сарфу нахв ва адаб илмини ўзлаштириб олган эди. «Ўша кезларда мен бирор кечанинг хам охирнгача ухламас, кундузлари хам илмдан бошка нарса билан шугулланмас эдим», — деб ёзади бу хакда Хусайннинг ўзи таржимаи холида. Кейин тиб илми билан кизикиб, киска бир муддатда уни эгаллаб олади. Бу соҳада у тезда барча табибларданда ўтиб кетади. Тиббиёт борасидаги муваффакиятлари тўгрисида у «хатто билимдон табиблар хам келиб, хузуримда тиб илмидан дарс ола-диган бўлдилар», — деб эътироф этади. Бухоро амирп Нуҳ ибн Мансурни даволаганидан кейин унинг шуҳрати ошиб кетади.

Абу Али ибн Сино бутун дунёда табобат илмининг султони сифатида машхур. Оламшумул тиббий асалари гуфайли Гарбда Авиценна номи билан донг таратган бу буюк ватандошимиз Шарқда кўпроқ забардаст файласуф сифатида машхур бўлган. «Шайх ур-раис» — «Донишмандлар сарвари» фахрий унвони хам аввало унинг буюк файласуфлигига ишора килади. Шарқда Хаким лакаби хам файласуф олим ва мутафаккир адилларга берилгани маълум: Хаким Носир Хисрав, Хаким Умар Хайём, Хаким Саноий... ва Хаким Абу Али ибн Сино. Хатто Оллоҳ таолога нисбатан хам Хакими илоҳий нисбати кўлланган. Зеро, хаким арабча сўз бўлиб, аввало доно, донишманд, хикмат сохиби, олим, аллома, файласуф, кейин эса табиб маъносини билдиради.

Турли манбаларда Ибн Синонинг 450 дан ортик асар ёзганлиги кайд этилади. Лекин бизгача бу муazzам меросдан 160 таси етиб келган. Шундан 80 таси фалсафага, 43 таси табобатга, колганлари мантиқ, психология, табииёт, астрономия, математика, кимё, мусика, ахлок, адабиёт ва тилшуносликка оид. Маълум бўладики, алломанинг фалсафий мероси тиббий мавзудаги асаларига караганда кариб икки баравар кўп.

Ибн Синонинг фалсафага оид энг йирик ва энг муҳим асари — «Китоб аш-шифо» (қискартирилган шакли — «Китоб ан-нажот»), Унинг фалсафий карашлари яна «Ал-ишорат ва-т-танbihot» («Ишоралар ва танбехлар»), «Хикмат ал-машриkin» («Шаркликлар фалсафаси»), «Китоб ал-ишорат фи-л-мантиқ ва-л-хикмат» («Мантиқ ва фалсафанинг ишоралари»), форс тилида ёзилган «Донишнома» («Билим китоби») ва бошка турли хажмдаги фалсафий рисолаларида ўз аксини топган.

Ибн Сипо шоир, тилшунос ва адабиётшунос хам хисобланади. 1000 йилда Бухорода ёзган «Ал-мажмуъ» (кейинчалик «Ал-хикмат ал-арузия» номи билан машхур бўлган) рисоласидаёк аруз масалаларини тадқик этган олимнинг адабий карашлари Арасту ва Форобийнинг таъсирида шаклланган. У Арастунинг «тасвирилаш», вокеликни «кайтадан яратиш» хакидаги карашларини шарҳлаган ва ривожлантирган, бадиий тўқиманинг ижод-даги ахамиятига кенг тўхталган, антик адабиётдаги адабий жанрлар, хусусан, фожиа жанрининг батафсил тавси-фини берган. Унинг адабий-назарий карашлари «Китоб аш-шифо» асаларининг «Мантиқ» кисмидан ўрин олган «Риторика» («Ал-хитоба») ва «Шеър санъати» («Ас-ноф ас-синоат аш-шеър») фаслларида ўзининг мукаммал ифодасини топган. «Шеър санъати» фаслида жумладан, куйидагиларни ўқиймиз: «Образли килиб айтилган сўз киши руҳини ўзига бўйсундирадиган бир холат касб этади...

Нарсанинг ўзи кандай бўлса, ўшандайлигича олмасдан, уни сал ўзгартирилган тарзда

олинганлигига истиора ё мажоз дейдилар. Шеър мана шу истиора билан мажознинг таркибидан хосил бўлади...
Шеър уч хил нарса билан хаёлга таъсир этади...

- 1) гармония (куй);
- 2) сўз;
- 3) вазн»'.

Алломанинг шогирди Жузжоний санаб ўтган китоблари рўйхатида адабиётшуносликка оид «Ал-мантиқ би аш-шеър», «Ал-касоид фи-л-узмат ва-л-хикмат» асарларини хам учратамиз. У тилшуносликка доир «Лисон ул-араб», «Махориж ул-хуруф» асарларини яратган. Жузжоншт унинг тилшунослик билан жиддий шугулланган даврида З та касида ёзгани ва уларда энг кам ишлатиладиган нодир сўзларни кўллаганидан хабар беради. Ибн Сино «Рисолат ут-тайр» («Куш хакидаги рисо-ла»), «Хайй ибн Якзон» («Уйгок ўгли Тирик»), «Саломон ва Абсол», «Юсуф», «Меърожнома» номли фалсафий мазмундаги киссалари билан рамзий-ирфоний адабиётни хам бошлаб берди. Хусусан, «Рисолат ут-тайр» киссаси Фаридиддин Атторнинг машхур «Мантиқ ут-тайр» ва Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонлари яратилишига туртки бўлган. Бу асар рамз-ишоралар билан ёзилган бўлиб, алломанинг жон, хакикат, Тангри тўгрисидаги фикрларини билиш учун хам муҳим ахамиятга эга.

«Хайй ибн Якзон» киссаси эса буюк итальян шоири ва мутафаккири Алигьери Дантелинг муazzам «Илохий комедия»сига хам таъсир кўрсатганлиги тўгрисида фикрлар мавжуд. Данте, айникса, Ибн Синонинг «Рисола фи-л-ишқ» асаридан илхомланган, ундаги асосий фикр ва карашлардан таъсиrlаниб, уларни ривожлантирган. У «Дўзах» китобининг тўртинчи кўшигига Хомер, Эсхил, Софокл, Арасту, Афлотун, Пифагор, Хераклит, Демокрит каби дунё илмининг бешигини тебратган улуг дониш-мандлар каторида Абу Али ибн Синони хам тилга олади:

Кўзимни узокка югуртдим шунда:

Хисобдон Эвклид, Батлимус, Гален, Гиппократ, Ибн Сино, Ибн Рушд пайдо — Янги гояларни таргиги этган чин.

Шаркда илмий, фалсафий асарлар хам кўпинча шеърий шаклда ёзилган. Бу уларнинг таъсиrlанлиги, оммабоплигини ошириши билан бирга, ёдда сакланишини хам осонлаштирган. Ибн Сино хам тиббиётга оид рисолаларини шеърий усулда — ражаз вазнида ёзиб, шундан келиб чиккан холда уларни уржузалар деб атайди. Унинг хозиргача фанга маълум уржузалари сони 9 та бўлиб, 8 таси тиббиёт, биттаси мантиқка оид.

Машхур Бузургмехр Ануширвони Одил учун савол-жавоб тарзида ёзган «Пирўзинома» номли хикмат китобини хам Нуҳ ибн Мансур амрига кўра 1097 йили Ибн Сино пахлавий тилидан форс-тоҷикчага таржима килади.

«Саргузашт» асарини Ибн Синонинг ўзи бошлаб, шогирди Жузжоний давом эттирган — 1013 — 1014 йиллардан умрининг охиригача аллома билан у бирга бўлган.

Ибн Сино араб ва форс тилларида касида, газал, китъа ва рубоийлар ёзган хассос сўз

устаси хисобланади. Афсуски, унинг адабий мероси бизгача тўлик етиб келмаган. Аллома адиб бадиий асарларининг тадқикотчилари хозирча форс-тожик тилидаги 46 рубоий, 4 газал, 5 китъя ва 2 байт шеърни Шайх ур-раис каламига мансуб санаб, унга нисбат берилган бошка шеърларга бир оз шубха билан карайдилар. Бу ижод маҳсулининг асосий кисмини рубоийлар ташкил этиб, уларнинг бир кисми Умар Хай-ёмга хам нисбат берилади. Бундан ташкари, 1957 йили Техронда чоп этилган девонида Ибн Синонинг 26 та арабча шеъри келтирилган. Улар умрнинг ўткинчилиги, кариликдан шикоят, панду насиҳат ва ишкий мавзуларда. Бу шеърларидан ирфоний мавзудаги «Касидаи айния»си машхур.

Абу Али ибн Сино 1037 йили Эроннинг Хамадон шахрида вафот этади. Буюк аллома макбарасидан кеча-кундуз сайёхлар, зиёратчилар кадами узилмайди.

Ибн Синони Шаркда фалсафий шеъриятни бошлаб берган шоир сифатида билишади. Чиндан хам, бу комусий олим олам ва одам хакидаги илмий-фалсафий карашларини биринчи бўлиб шеъриятга сингдирди. Хусусан, рубоийларида унинг теран илмий фикрлари, кенг фалсафий мушоҳадаларини кўрамиз. Буюк файласуф оламнинг Оллоҳ томонидан яратилганини эътироф этган холда, табиат ходисалари, инсон вужудининг фаолиятига реал карагани, дунёвий илмлар ривожига катта хисса кўшганини яхши биламиз. Айникса, тиб илмида у шунчалик илгарилаб кетганки, ўз даврида у даволай олмаган касаллик бўлмаган хисоб. Замонасининг барча олиму донишмандлари унинг бу борадаги бекиёс илми ва истеъдодига тан берганлар. «Тиб конунлари» асари асрлар давомида Шарқдагина эмас, Гарбда хам тибиёт соҳасидаги асосий кўлланма бўлиб келганлиги маълум. Ибн Сино асарлари XII асрдан бошлаб лотинчага, у оркали Европа тилларига таржима килина бошлаган. Жумладан, «Тиб конунлари» асарининг ўзи лотиҷиҷада 40 марта тўлик пашр этилган. Унинг оддий дориларга багишлиланган иккинчи кисмida 800 га якин дориларнинг хусусияти, уларни тайёрлаш ва истеъмол килиш усуслари баён килинган. Шунинг учун хам тибиёт илмининг бобакалони фахр ва армон билан ёзган эдики:

Кўк токигача ер каъридан асли азал,
Хар канча тугун бўлса, акл айлади хал.
Хар макру фириб бандини ечсам-да тугал,
Кўнглимда тугун бўлиб фактат колди ажал

(Шоир рубоийлари муаллиф таржимасида берилмокда.).

Файласуф олим сифатида у Оллоҳ ва олам, Оллоҳ ва одам, олам ва одам муаммолари, инсон хаётининг мазмун-моҳияти, шахс ва жамият муносабати устида теран тафаккур юритган. Бу масалалар хамма замонларда хам фалсафанинг мухим ва долзарб муаммоларидан бўлган. Бу масалаларга у ёки бу даражада дахл килмаган файласуф хам, мутафаккир шоир хам йўқ хисоби. Ўз даврининг барча илмларини чукур билган, азалий ва абадий мавзулар устида умуминсоний микёсда мушоҳада килган Ибн Синонинг салмокли фалсафий мазмунга йўғрилган хар бири хикмат даражасидаги рубоийлари унинг хам бу масалаларни четлаб ўтмаганининг ёркин далилидир.

Ибн Синонинг фалсафий карашларига кўра, борлик иккига бўлинади: вужуди вожиб

(зарурий вужуд) ва вужуди мумкин (имконий вужуд). Вужуди вожиб бу — Худо, вужуди мумкин — ундан келиб чикадига олам ва ундаги нарсалар. Улар орасида сабаб ва окибат муносабати мавжуд бўлиб, бу жараёида дунёдаги барча нарсалар тажаллий, яъни күёшдан тараляётган нур шаклида илохий вужуддан келиб чикади. Оллоҳ — бокий, унинг окибати бўлмиш одам — фоний. Образли килиб айтганда, Оллоҳ — жон, олам — бадан, фаришталар — унинг сезги хоссалари, барча жонли ва жонсиз нарсалар эса аъзолари бўлиб, тавхид (Оллоҳнинг ягоналиги) аслида шу — колган барча карашлар кишини чалгитадиган тахминлардан иборат. Файласуф шоирнинг куйидаги рубоийси худди шу хақда:

Хак — жони жаҳоннинг-у, жаҳон бўлса — бадан,
Бу тани(нг) сезиш хисси малак жинси билан.
Бор жонсиз-у, жонли мавжудот аъзосидир,
Тавхид шу-ю, колган бариси хийла экан.

Бу дунёда хеч нарса бутунлай йўқ бўлиб кетмайди, балки бошкacha шаклда кайта тугилади — икки олам сохиби бу дунёни тарк этган нимаки борки, уларни ўз хазинасида эҳтиёт килиб саклайди ва фалак яна шу холга эврилганда ўзининг илохий пардасидан ташкарига чикаради:

Кетмас йўколиб хеч нима беному нишон,
Гайб оламидан жой олади у шу замон.
Бир кун яна ўз аслига эврилса фалак,
Сир пардасидан чикаргуси Хак бегумон.

Маълумки, илм — тубсиз бир уммон. Канча кўп ўқиганингиз сари шунча кам нарсани билишингизни англаб бораверасиз. Мутафаккир шоир Алишер Навоий: «Бўлди ўз нодонлигимни англамок донолигим», — деб бежиз айтмаган. Ибн Синонинг замонанинг барча илмларини эгаллаб, туну кун тафаккур килиш натижасида дунёдаги хамма нарсанинг сир-синоатига етдим, менга маълум бўлмаган нарса колмади, лекин билимим хакида чукур ўйласам, хеч нарсани билмаслигим маълум бўлди мазмунидаги мана бу рубоийси шу хусусда:

Сўз колмади парда ичра хеч маълум эмас,
Дунёда бирор сир мен учун мавхум эмас.
Мен маърифатингда кўп тафаккур килдим,
Маълум бўлди: хеч нима маълум эмас.

Бошка бир рубоийда эса бу фикрни янада чукурлаштириб, мен хатто ўзимнинг кимлигимни, бу дунёда нега овора бўлиб юрганимни хам билмайман, дейди:

Кошки билсам — мен ўзи кандай инсон?
Дунёда нима деб бу кадар саргардон?
Ер бўлса агар баҳт — яшасам хуш-хандон,
Ер бўлмаса, йигласам тўйиб беармон.

Алишер Навоий хам газалларидан бирида: «Эл нетиб топкай мениким, мен ўзумни топмамон», — деган эди. Бу мазмундаги фикрларнинг асосида тасаввуфий маъно ётади. Ўзни топиш, ўзни англаш, яъни ўзлик — инсоннинг дунё, нафс ва жисм билан боғликлиги. Улар хар лахза кишига ўзлигини эслатиб, уни Худо ёдидан чалгитади. Хожа Ориф Ревгариининг айтишича, дунёга каттиқ боғланган киши илохий парвоз килолмайди, бинобарин, талаб во-дийсига кадам кўёлмайди. Шунинг учун хам Навоий: «Ўзлугумдин ўзга ул юзга хижобе топмадим», — деган эди. Яъни менинг ўзлигим — дунё, нафс ва жисм тўсик бўлиб, хакикий ёрнинг юзини мендан тўсиб турибди. Ўзининг кимлигини англаб етган инсон дунёнинг хам, нафснинг хам, жисмнинг хам фонийлигини, уларнинг барчаси кишини асосий максаддан — Хакдан чалгитадиган воситалар эканлигини теран идрок этади ва дунёга кўнгил кўймайди, нафс хохишларига эргашмайди, жисмоний лаззатларга берилмайди. Бинобарин, шоирлар мен хали ўзимни топганимча, ўзлигимни англаб етганимча йўқ, деб ёзар эканлар, бундай фикрларни уларнинг дунё, нафс ва жисм хавасларидан буткул кутулмаганликларининг эътирофи сифатида тушуниш керак. Шарқда Абулмаоний маънолар отаси номи билан шухрат козонган Мирзо Бедил хам рубойларидан бирида «Инсон гаштан ба худ расидан будаст» — «Инсон бўлиш ўзликка етишиш экан», дейди.

Мен улуг бўлдиму кенг дунё тор бўлиб колди, кимматим ошди-ю, харидор топилмади дея ўзини дарба-дарликка махкум этган оғир кисматдан нолиган аллома сарсон-саргардонликда кечган хаётида жуда кўп режалари амалга ошмай колгани, ўзи кўзлаган максадга етолмагани, кўнглида минг куёш нур сочса-да, камолга йўл тополмаганлигини шикоят, норозилик йўсинида мисралар катига мана бу тарзда накш этади:

Дил дунё биёбонида оз чопган эмас,
Кўп билса-да, ўз нуксини хеч ёпган эмас.
Кўнглимда агарчи минг куёш гюрлар эди,
Охирда камолга зарра йўл топган эмас.

Ибн Синонинг кўпчилик шеърлари унинг шоирлик салохияти баланд бўлганлигидан далолат беради. Бу шеърларда мазмун чукур бўлибина колмай, шакл хам гўзал, бадиий санъатлар хам маҳорат билан кўлланган:

Май мангулик бахш этар эмиш, куй, сокий!
Кўнглингга хузур етар эмиш, куй, сокий!
Куйдирса-да ўт каби, гамингни аммо
Сувдек окизиб кетар эмиш, куй, сокий!

Эй нафс, кидирганинг мудом хою хавас,
Узингни химоя килгали шош бу нафас.
Дунё дема, кўй хийлани, мансаб тилама,
Душманлик ишинг хамиша, хеч дўстлик эмас!

Донишманд шоирнинг ахлокий мавзудаги шеърлари хам курук панд-насихатдан иборат бўлмай, теран фалсафий мазмун билан йўгрилган:
Бир-икки жаҳолат майидан маст эрлар Доно санаб ўзни, асабингни ерлар. Эшшак бўла

колким, улар эшшаклигидан Ким бўлмаса эшшак, уни кофир дерлар.

Бу рубоийда киши канча нодон бўлса, шунча жохил бўлади, жохил билан эса факат унга тенг бўлиб гаплашиш керак, акс холда, сени одам сафига кўшмайди, деган аччик хакикат бадний талкин килнган.

Бу дунёни хамма ўз каричи билан ўлчайди, лекин хеч кимнинг дунёнинг ўз каричига сигиш-сигмаслиги билан заррача иши йўк.

Жохилга гап уктириб бўлмайди, унга факат ён бериш керак.

Рубоийда кучли захарханда, ўткир киноя мавжуд: нодоннинг жаҳолати шундаки, у ўзининг нодонлигини фазилат, ахмокона килмишларини ибрат деб хисоблайди.

Донишмандлар бежизга жаҳолат — инсониятнинг кулфатидир дейишмаган.

Парадоксни карангки, инсон канча доно бўлса, ўзини шунча нодон деб хисоблайди, канча нодон бўлса, ўзини шунча доно деб билади:

Кўнглим сира илм тахсилидан маҳрум эмас, Колди жуда оз сир менга то мавхум эмас.

Етмиш икки йил тинмай илм ўргандим,

Маълум бўлди: хеч нима маълум эмас.

Лекин Ибн Сино нафакат фалсафий, балки гўзал ва хассос ишкий рубоийлар муаллифи эканлигини хам таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу мавзудаги рубоийлар унинг нафакат теран фикрлар ифодаси, балки нозик туйгулар тасвирида хам тенгсиз маҳорат кўрсатганлигининг ёркин мисолидир:

Зулфинг шундай агарда ларzon бўлади,

Анбар баҳоси хамиша арzon бўлади.

Яхшиям юзинг зулф ичра пинхон бўлади,

Йўкса нуридан туну кун яқсон бўлади.

Аждар каби сочингда хатар тўлгонади,

Елкангда нега у хийлагар тўлгонади?

Кўргач ўша лаъл лабингда зумрад бордир,

Аждар каби белингга кадар тўлгонади.

Инсон умрини гулга киёслаб ёзган мана бу рубоийси хам гўзал:

Дил тўла гаму аммо куламиз гулдек,

Бир лахза яшаймизу ўламиз гулдек,

Бир лахза кучокларга тўламиз гулдек,

Бир лахза ўтиб, яна сўламиз гулдек.

Аслида алломанинг шеърий иктидори юксак бўлганлиги унинг деярли барча шеърларидан билиниб туради. Чунончи, унииг куйидаги рубоийси илму адаб ахли орасида нихоятда машхур:

Коғирга чикармок мени осон йўқдир,

Хеч бир кишида мендаги имон йўқдир.

Мендек имони бут киши коғир бўлса,

Бас, жумла жаҳонда бир мусулмон йўқдир!

Алломанинг салафлари ва замондошлари, жумладан, Абу Абдуллоҳ Рудакий рубоийларининг асосан ишкий, Шайх Абусаид Абулхайр рубоийларининг эса тасаввуфий мазмунда эканлигини назарда тутсак, том маънодаги фалсафий рубоийлар дастлаб Абу Али ибн Сино ижодида учраши маълум бўлади. Бинобарин, ўз рубоийлари мисо-лида у Шарқ сўз санъатида чинакам фалсафий шеъриятни бошлаб берди. Кейин ўзини Шайх урраиснинг хароратли шогирди деб хисоблаган Умар Хайём азал ва абад, олам ва одам муаммолари хусусида теран фалсафий рубоийлар яратиб, уни жаҳон сўз санъатининг етакчи жанрларидан бири каторига олиб чикди.

Эргаш Очиловнинг
"Барҳаёт сиймолар" китобидан